



Катта танарафус



Янги йил қутловлари



Тўлкиной Халипова, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 20-ўрта мактабининг тарих ўқитувчиси, "Йил ўқитувчиси-94" республика кўрик-танлови гоялиби. Кўп изланиш, ўқиди кўп. Бой бермади фурсатини. Хақамларни ром этди у — Иқтидорин кўрсатди. Болаларга меҳри баланд, Кибру ҳаво берган. "Фарғонада биттагина", Мамлакатда ягона.



Ҳасан Йўлдошев, Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Хайрилла Боқиев номидаги 1-мактаб директори "Йил мактаби" кўригини фойдаланган. Бу йил Сизнинг жамоа Фахр эшиги чин ҳақли. Хар бир ютуқ, галаба Меҳнатга эш бўлади. Яхши раҳбар бош бўлса, Ишлар ҳам "беш" бўлади.



Соҳиба Хўжахонова, "Шуртангаз" газ конлари бирлашмасига қарашли Нодира номидаги болалар боғчаси тарбиячиси, республика "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови гоялиби. Болаларнинг сеҳри Оламини тўлар у. Муррабийлик касбини Жон-дилдан суяр у. Мафтун эрта болани Серзаҳот эртак ва қўшиқ, Соҳибхон жур бўлар Юрак меҳрини қўшиб.

1995 йил эшик қоқмоқда. Хар доим эски йилнинг охири ва янги йилнинг дастлабки кунлари болалар учун, айниқса, қувончли бўлади. Аввало киши таътил, қолаверса, арча атрофидаги Қорбобо ва Қорқиз шпирокидаги томошалар кичкинтойларга чексиз завқ-шавқ бағишлаши, шубҳасиз. Узининг 70 йиллик тўйини нишонлаётган Тошкент давлат ширки жамоаси ҳам янги йилга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келди. Цирк бош директори Баҳром МАЖИДОВдан кўрилган таратдуд хақида гапириб беришимиз сўрадик.

— Байрамни куй, қўшиқ, умуман Обид, Алишер, ака-ука Шавкат билан Шухратлар анҳорда чўмилиб, ялангоёқ қайтишар, бир-бирларига гап бермай чугуллашганча нималарнидир бахшлашарди.

— Мен ўз кўзим билан тўлкини кўрганман, — деди Алишер. — Менинг енгинамдан бўрсик ўтиб кетган, — деб мактанди Обид. Шунда Шавкат: — Керилмаларинг, мен шундай ўз кўзим билан бирданга арслон, йўлбарс, филу маймунни кўриб, хатто иккита хўрозқанд едирганман, — деди ўртоқларидан баландроқ товушда.

— Намунча одамни лақиллатмасанг, лофчи, бўлмаган гап, ҳеч ким бирданга шунча жониворни учратмаган, — деб унга ишонимасди болалар.

— Ёзда хайвонот боғига борганда кўрганмиз, — деб бижирлади кичкина Шухрат. Ҳамма баравар қулиб юборди. Болалар тутзордан чиқиб, муқошига етганларида, Обид найов кизик бир гапни айтиб қолди: — Юринлар, яхшиси, юмронқозик тутгани борамиз. Ҳозир айни уларнинг болаларини пайти.

— Ўйлаб гапирясанми, юмронқозикни тутиб бўларканми? Бир қарасанг тик турган бўлади, яна бир қарасанг, лип этиб йўқолади қўяди, — деди Шавкат. — Биз кўпчиликмиз. Тутмаганда ҳам, уни яқиндан кузатамиз. Ҳаммамиз бир бўлиб, инини пойлаймиз. Кетдик, — деб йўл бошлади Алишер. Улар тепаликка чиқиб, аввал диккат билан атрофни кузатишди. Хар ер-хар ерда юмронқозик учмас енига тўп-тўп қилиб қўйган тўпроқ уюмлари кўринди. Болалар орқага тисарилиб, юмронқозикнинг чиқиншини пойламоқчи бўлишди. Улар ишни бундай режалаштиришди: хар бир бола юмронқозикнинг биттадан инини пойлайди. У чиқиб қолгудек бўлса, иложи борича қайтиб инига киритмасликка ҳаракат қилади.

"БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!"

санъатсиз тасаввур этиш кийин. Жамоамиз хар йилгидек мактаб ўқувчиларининг таътил кунлари мазмулли ўтиши учун ўз хиссаларини қўшишга аҳд қилишган.

Янги йилга "Болалар, сизлар учун!" деган катта дастур тайёрланди. Томошаларимизнинг гувоҳи бўлган ўғил-қизлар эртаклар оламига саёхат қиладилар. Катта арча атрофида

Қорбобо билан Қорқизнинг келиши, болаларга совғалар улашиши, уйинда ўрмон хайвонларининг қатнашиши даврага ажиб руҳ бағишлайди.

Санъаткорларимизнинг байрам дастуримиздан ўрин олган акробати-ка, иллюзион ўйинлари, полвонлар, кизикчилар билан биргаликда Тошкентобоевлар етакчилигидаги дорбозлар, Ольга Иванованинг "ақлли"

Цирк, цирк, цирк

итлари, Гули ва Фуркат Юнусовларнинг ўргатилган қўшлари, Ҳажим Зарипов етакчилигидаги чавандозларнинг янги чикишлари томошабинларни хурсанд қилишади.

Кичкинтойларнинг байрам томошалари янада кизикарли бўлиши учун хориждан машҳур цирк усталарини ҳам таклиф қилганмиз. Россиядан айиқ ўнатиувчи Энвар Садридди-

нов ўзининг "полвон"и билан келади. Осетиялик Казбек раҳбарлигидаги чавандозлар ҳамда киргиз акробатчиларининг ўйинлари ўғил-қизларда завқ-шавқ уйғотиши табиий.

Циркка арча байрами аллақачон кириб келган. Шу йилнинг 24 декабрданок байрам томошалари бошлаб юборилган. Томошалар янги йилнинг 10 январигача хар кунни тўрт мартадан давом этади. Биз ана шу мuddат ичида 200 мингдан зиёд мухлисларни хурсанд қилиш ниятидамыз.



Ҳамкасбларимиз ижоди ЮМРОНҚОЗИК

Ҳикоя таб-истамаган ҳолда тошни отди. Боши қонга беланган юмронқозик, бир оз оёқларини тиричирчилатди-да, кейин ҳаракатдан тўхтади.

Болалар гўё гаройиб мўъжиза юз бергандек, бараварига "ура"лаб кийкириб юборишди. Шавкат билан Шухрат кош қорайганда уйга қайтишди. Нафиса опа ош сузаётганда ўғиллари бир нарсалар деб гўнгирлашар, она дастурхонга яқинлашганда, яна жимиб қолшар эди.

Улар овқатланиб бўлай деб қолганларида хўмрайиб ўтирган Шавкат: — Ойи, хайвонларни ўлдириш гуноҳми? — деб қолди. — Ҳа, гуноҳ, албатта, — деб жавоб берди онаси. — Гўштини емайдиغانларини ҳамми? — Ҳаммасини ҳам. — Фойда келтирмайдиганларини-чи? — Уларнинг фойдаси тегмайди-га бўлмайди. — Нега? — Ахир, сизлар мактабда ўқийсизлар, билишингиз керак. Аввало улардан бири гўшт, сут, жун берса, яна бошқаси зарарли хашаротларни йўқотади. Кейин, умуман, улар ҳам тирик мавжудод. Яшаши керак. Нафиса опа индамай дастурхонни йиниб, идиш-товонни ювди. Ҳаммаёқ жимжит. Тун. Юлдузлар чараклайди. Она ўғилларига доимидек сулага жой солиб берди. Болалар ўринларига кириб ётидилар. Она нихотат юмушларини тутатиб, уларнинг олдига келиб ўтиришди, шундай деди: — Болаларимизда

бизга бувимиз бир воқеани гапириб берганлар: Кунларнинг бирисида икки дўст узок сафарга отланибди. Аравага зарур анжомларни юклаб, йўлга тушишпти. Қишлоқ тугаб, кенг дала бошлангипти. Узок йўл, икки ҳамроҳдан бўлак ҳеч зог йўқ. Уларнинг оти анча хориб қолгипти... Шунда уларнинг олдидан бир қурбака чиқиб қолгипти. У отнинг олдига тушиб олиб, худди йўл кўрсатмоқчи бўлгандек, сира четга қочмасмиш. Шу кетишда дўстлар анча йўл босишпти. Биринчи ҳамроҳ отни олдига тушиб кетаётган қурбакадан четлашиб ўтипти. Бунни қарангки, қурбака яна олдинга тушиб олаверибди. Отни яна четлашиб ўтиштилар, яна боғга ҳолат такрорланаверипти. Қизиги, от қурбаканинг кетидан тезроқ юрармиш-у, қурбакасиз унинг юриши секинлашаверармиш. Қурбака учинчи марта хориб кетаётган отнинг олдига тушиб олганда, биринчи ҳамроҳнинг эҳсаси қотиб, жаҳли чиқипти. Ҳали бизга қурбака йўл кўрсатар эканми, ҳозир болпайман, дегандек араванинг

гилдирагани худди қурбаканинг устига солипти. Қурбака четлаб қолгипти, ҳамроҳлар арава унинг орқа оёқларини мажаклаб ўтганини кўришптилар. Кейин, дўстлар йўлда давом этиб, қурбакани унуттидилар... Кеч кириб, узок масофа бостан ҳамроҳлар каттик чарчашипти. Улар бир дарахт тагида дам олиб, тонг оттирмоқчи бўлишди. Гулҳан екиб, тамадди қилиб олган дўстлар ширин уйкуга кетишди.

Тонг отипти. Иккинчи ўртоқ уйғонганда ҳаммаёқ аллақачон еперуг, қуёш тиккага келиб қолган экан. У сапчиб ўриндан турганча, шеригини уйғота бошлапти. — Туринг, ўртоқ, тонг отди. Унинг дўсти пинагини бузмай етаверибди. — Тура қолинг, оғайни, ҳали манзил олис, — энди туртиб уйғотмоқчи бўлибди иккинчи дўст. У яна кимирамлапти. Хавотирланган иккинчи ҳамроҳ шарт шеригининг устига епилган бекасаси тўғни очиб ташлапти. Қай кўз билан кўрсинки, жонсиз етган дўстининг кўкинда худди ўша, улар аравини устига боситириб юборган, оёқлари мажаланган қурбака бақрайиб, жасдининг янги томонга қараб қотиб тураркан...

Азонлаб Нафиса опа ўғилларининг кетмон кўтариб, тепалик томон кетаётганларини кўрдю, қаеъка деб сўраб ўтирмади. — У оналик қалби билан фарзандларининг инсонга хос эзгу ишлар қилишларига ишонар эди.



ХАНДАЛАР

Махбус хотинидан хат олгач, ҳибс-хонадаги қўшини ундан сўради: — Нимажар ҳақида езишбди? — Уғлим мактабда иккинчи йил қолибди. Эҳ, оиламиз шаънига бу қандай шармандалик! *** Ийтихонда ўқитувчи талабадан сўради: — Инсон учун қайси паррандалар энг фойдали? — Қовриғани, домлажон, — жавоб берди талаба. *** — Дада, юзмага бир тарсаки туширинг. — Нима учун? — Йиғласам ойма конфет берадилар. *** — Уғлим, мана, холанг уйига кет-япти. Хайрашайтеганда нима дейиш керак? — Худого шукур. *** — Уғлим, бу ҳафта немиш тили дарсида неча марта жавоб бердинг? — Тўрт марта, ойжон. — Ҳўш, қандай баҳолар олдинг? — Яна бир марта сўрашса, роппароса беш баҳо бўлади. *** — Айтгин-чи, сенга мактаб еқдимми? — Ҳа, агар ўқитувчини ҳисобга олмамас, ҳаммаси яхши. — Нима, ўқитувчинг емон одамми? — Йўқ, у фақат мен билмайдиган нарсаларни сўрайди. *** — Уғлим, мен сенга глобус олиб берган эдим, у эса чанг босиб етибди. Бу қанақаси бўлди? — Ойжон, ўзингиз айтинг-чи, мен қандай қилиб ер кўррасси чангини арта оламан? *** — Уқши ва эшик биласанми? — Йўқ, лекин санашини биласан. — Қани сана-чи? — Олти, епти, саккиз, тўққизи... — Тўхта-тўхта, нечагача санай оласан? — Тузгача.

Янги йил қутловлари



АНТОНИНА ПАВЛОВНА ХЛЕБУШКИНА, Тошкентдаги 22-болалар у директори, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистондаги кўрсатган ўқитувчи. Уч ярим минг болани Оқ юанб-оқ тарати. У иккита дипломга Қуёш бўлиб қаради. Сансонда ҳам юракда ёшлик, яфотат оқими. Ендирар қорни ҳам Топиб унинг қаловин.



ТОҲИР РЎЗИБОВЕВ, Тўрткўл туманидаги 9-ўрта мактабдаги ўқитувчи, адабиёт ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси "Ўқитувчи-94" кўрик-танлови гоялиби. Адабиёт дарси бўлса, ўқувчилар яраб кетар. Тоҳиржоннинг кириниши ўғиллар билан кутар. Ўргатар у кинода сирини Тошқин меҳри — дини бағизма, Дарсига бир юрган ишини Чиниб кетар шерилар езибди.



НОРМАТ ДАДАЖОНОВ Низомий номидаги Тошкент педагогика кафедраси институти география кафедраси доцент, ҳали маорифи вълочисини Игна билан қўлуқ қазиб, Ҳандасадан дарслик езиб, "Ўқинг, — деди, — ҳандасани Эллак қилар дингасани!" Бурчин шундай адо этиб, Олтими ешга келиб етиб, Домлажоннинг эзи туғун, Дўст-ерларни кўтлар туғун. Гафур МАНН Рассом МАХМУД Ж

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Оқлар бошлайди ва барча сипоҳларини қурбон бериб, мот қўяди.

Маълумки, Хиросимада ўтказилган XII Осие ўйинларида ўзбекистонлик футболчилар олтин медал соҳиб бўлишди. Кўпгина футбол мухлислари Осие ўйинларида қайси мамлакатлар футбол мусобақаси голиблари бўлганлигига кизикса керак. Шу мақсадда Осие ўйинлари чемпионлари билан таништирамиз: 1954, 1957 — Хитой. 1962 йил — Ҳиндистон. 1966 йил — Бирма. 1970, 1986, 1990 — Жанубий Корея. 1982 — Ироқ. 1994 — Ўзбекистон.

Осие чемпионати

Футбол мухлислари Осие ўйинлари ва Осие чемпионатини (уни Осие кубоги ҳам деб аташди) фарқлаши учун қуйидаги маълумотни келтирамиз. Осие чемпионати хар тўрт йилда бир марта ўтказилади. Навбатдаги чемпионат 1996 йилда бўлиб ўтади. Энди Осие чемпионлари билан танишинг. 1956, 1960 — Жанубий Курия, 1964 — Исроил, 1968, 1972, 1976 — Эрон. 1980 — Кувайт. 1984, 1988 — Саудия Арабистони.

Футбол оламида ОСИЁДА КИМ КУЧЛИ?

Риналдо бўлгуси футбол қиролими?

Бразилиялик бу еш футболчи ҳозирги вақтда футбол оламидаги шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Риналдо тўп киритиш борасида футбол қироли Пеле билан рақобатлаша олар экан. Бу икки футболчининг 17 ешида киритган тўплари ҳисобланса Риналдо Пелега нисбатан анча устуликка эга. Яқинда Голландиянинг ПСВ "Эндховен" клуби бу еш, иктидорли футболчини сотиб олди. Риналдо учун тўланган ҳақ 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Қани, бир оз сабр қилайлик-чи, футбол тожи Риналдого насиб қилармикан.

16 ешли Михаил АН

Машҳур футболчи "Пахтакор — 79" жамоаси

сардори Михаил Аннинг номи ишқибозлар қалбига барҳаёт. Яқин келажақда мухлислар Ўзбекистон жамоаларининг бириси Михаил Ан исмли футболчини кўриш шарафига муюссар бўлишади. Бу 16 ешли футболчи Михаил Аннинг акаси Иннокентийнинг ўғлидир. У ҳозир "Пахтакор" футбол мактаби битирувчиси. Михаилнинг орузси футбол чўққиларини забт этиб, амакиси номига содик бўлиш.

От изини той босар

1979 йил 11 август куни авиаҳалокатга учраган пахтакорчилар фарзандлари ҳам катта футболга илк қадамларини қўйишмоқда. Булар: Олим Ашировнинг ўғли Олег, Михаил Аннинг ўғли Дмитрий, Александр Корченонинг ўғли Саша,

Константин Бакановнинг ўғли Сергейли Улар Тошкентдаги ешлар жамоаларида тартишмоқда. Халқимизда от изини той босар накл бор. Ажаб эмаски, бу ўғлонлар оталар шиб улгуролмаган гадаларини қўлга киватанимиз байроғини жаҳон футбол майда узра кўтаришса.

Абдураимовлар сулоласи

Мохир футболчи, таникли мураббий Б Абдураимовнинг оиласини футболчилар деб аташга асос бор. Чунки Биродар акаси ўғли ота касбини танлашган. Азамат Маннинг "Пахант" клубида тўп суришидан мух хабардор. Жасур олий лигада "Сўғдиена"; си таркибиде ўйнамоқда. Учтинчи ўғил — Б Пахтакор футбол мактабиде тахсил ол Ишонамизки, Абдураимовлар сулоласи футболди доврўгини оламга ейишда ўз хис қўшишади.

«МАЪРИФАТ»

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан хобимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланувчи мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58. «Шарқ» наприет-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбон, Шарофат Норқулова.